

СОЯ НАВЛАРИНИНГ ШОНАЛАШ ФАЗАСИДА СУВ АЛМАШИНУВ ХУСУСИЯТЛАРИ.

**Фозилов Шерзод Мусурмонович - Термиз давлат университети,
ўқитувчи. Сурхондарё, Ўзбекистон**

**Арамова Гулхаё Бахтиёровна – Термиз давлат университети ўқитувчиси.
Ўзбекистон, Термиз**

***Аннотатсия:** Сурхондарё вилояти тунроқ-иқлим шароитида турли соя навларининг дуккаклаш фазасида сув алмашинув хусусиятлари ўрганилди.*

***Таянч сўзлар:** соя навлари, ўсиш, ривожланиш, транспиратсия, қурғоқчилик*

Аннотация: В почвенно-климатических условиях Сурхандарьинской области изучены особенности водообмена различных сортов сои в фазе бобообразования.

Ключевые слова: сорта сои, рост, развитие, транспирация, засуха.

CHARACTERISTICS OF WATER EXCHANGE IN THE STAGE OF SOYBEAN CULTIVARS.

**Fozilov Sherzod Musurmonovich — Lecturer, Termez State University.
Surkhandarya, Uzbekistan.**

**Aramova Gulkhayo Bakhtiyorovna — Lecturer, Termez State University.
Uzbekistan, Termez.**

***Abstract:** The characteristics of water exchange during the podding phase of different soybean varieties were studied in the soil and climate conditions of Surkhandarya region.*

***Key words:** soybean varieties, growth, development, transpiration, drought*

Ҳозирги кунда вилоят шароитида етиштирилаётган соялар бир неча навлардан иборат бўлиб, улар умумий ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатлари билан бир- биридан фарқ қилади. Айрим йилларда ёғингарчилик кам бўлиши ва суғориш учун ишлатиладиган сувларнинг ҳам режадан кам бўлиши

умумий ҳосил миқдори ва сифатига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам соя навларининг қурғоқчиликка чидамлилиқ даражасини аниқлаш ва нисбатан чидамли навларни ишлаб чиқишга тавсия этиш долзарб муаммо бўлмоқда. Қурғоқчиликка мослашувчанларини янада кўпайтириш учун далада ҳам, лаборатория шароитида ҳам изланишлар зарур.

Ўсимликларнинг сув алмашинув хусусиятлари уларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатини таъминлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қурғоқчиликка чидамлилиқ (сувсизланишга ва ҳаддан ташқари қизиб кетишга ҳосилдорликка катта зарар етказмаслик қобилияти) ноқулай шароитларда кафолатланган ҳосил олишга имкон беради. Уларнинг вегетация даврида ва дуккак ҳосил бўлишида ўсимликларнинг тез ва бир текис униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши асосан экилган уруғлар ва кўчатларнинг сув режимига боғлиқ.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқган ҳолда, биз соя навларининг сув алмашинув хусусиятларини, уларнинг ўсиш ва ривожланиш фазалари бўйича ўргандик.

1.1- жадвал.

№	Навлар	Баргларда			
		Умумий сув миқдори %	Транспиратсия жадаллиги, г/м ² с	Сув тақчиллиги, %	Сув сақлаш қобилияти
1	Барака	74.5 %	87.23	35.8 %	76,1 %
2	Тўмарис ман-60	73.3 %	60.47	26.10 %	76, %
3	Устоз ММ-60	73.9 %	96.23	57.32 %	69,9%
4	Вилона	74.0 %	75.82	30.6 %	70,4%

Барака нави баргида умумий сувнинг миқдори 74,5 % га тенг бўлиб, Вилона нави билан бир хил эканлиги кузатилди. Тўмарис ман-60 навининг

умумий сув миқдори 73.3 % га тенг бўлиб, Устоз ММ-60 билан деярли бир эканлиги аниқланди.

Бу маълумотлардан аниқланишича, Тўмарис ман-60 ва Устоз ММ-60 соя навларининг баргларидаги сув миқдорига нисбатан Барака ва Вилона соя навининг баргларида сув миқдори кўп бўлиши аниқланди.

Ўсимлик баргларида содир бўладиган транспирация жадаллиги ҳам ўсимликларни сув алмашинув хусусиятларидан бири ҳисобланади. Жадвалда кўрсатилган (1.1-жадвал) маълумотлардан аниқланишича Устоз ММ-60 навини баргларининг 1 м² барг сатҳида 1 соат давомида 96,23 г сув буғлатилган бўлса шу муддатда Тўмарис ман-60 навининг баргларида 60.47 г сув буғланган яъни шу муддатда Устоз ММ-60 нави Тўмарис ман-60 навига нисбатан 35.76 г сув кўп буғлатган. Қолган навлар ҳам оралик ўринларни эгаллаб Устоз ММ-60 навига нисбатан камроқ сув буғлатган, яъни Барака нави 9,0 г , Вилона нави эса 20.41 г кам сув буғлатган. Бу кўрсаткич навларнинг транспирация жадаллиги бўйича ҳам бир-биридан кескин фарқ қилишини кўрсатади.


Соя навлари баргларидаги сув тақчиллиги ҳам нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Устоз ММ-60 навининг баргларида сув тақчиллик 57.32 % га тенг бўлса, Тўмарис ман-60 навиники 26.10 % тенг бўлиб, у Устоз ММ-60 навига нисбатан нисбатан 31.22 %, Вилона навида 26.72 % ва Барака навида 21.52 % Устоз ММ-60 соя нави баргларида нисбатан сув тақчиллиги кўпроқ эканлиги аниқланди.

Худди сув тақчиллигига ўхшаш баргларининг сув сақлаш қобилияти ҳам ўсимликларнинг қурғокчиликка чидамлилиқ даражасини ҳарактерлайдиган энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Барака соя нави баргларининг сув сақлаш қобилияти бошқа навларга нисбатан энг юқори бўлиб, 1 соат давомида сарфлаган сув миқдори 23.9 % га тенг бўлса, Устоз ММ-60 соя нави шу муддатда 30.1 % сув сарфлаган ва улар ўртасидаги фарқ 6.2 % га тенг.

Тўмарис ман-60 нави баргларида сарфланган сув миқдори 24 % га тенг бўлиб, у бор ёғи 0,1 % га камроқ, Вилона навининг барглари шу муддатда 29,6 % сув буғлатган бўлиб, 0,5 % га кам сув буғлатган. Бу маълумотлар Устоз ММ-60 навининг сув сақлаш қобилияти энг паст, Барака соя навининг сув сақлаш қобилияти энг юқори эканлигини кўрсатади. Қолган навлар сувни сақлаш қобилияти бўйича оралиқ ўринни эгаллайди. Шундай қилиб соя навларининг сув сақлаш хусусиятларига асосланган ҳолда уларнинг қурғоқчиликка чидамлиги даражасини қуйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: Устоз ММ-60 < Вилона < Тўмарис ман-60 < Барака <

Устоз ММ-60 ўрганилган навлар ўртасида қурғоқчиликка чидамлиги энг паст бўлса, Барака навининг қурғоқчиликка чидамлиги энг юқори ва қолган вариантлар оралиқ ўринда жойлашган.

Соя навларининг қурғоқчиликка чидамлилик даражасини кўрсатувчи энг муҳим физиологик жараён баргларидаги умумий сув миқдоридир. Бошқа кўрсаткичларга нисбатан бу кўрсаткич тўғридан-тўғри навларнинг қурғоқчиликка чидамлилик даражасини ҳақарактерлайди. Бизнинг тажрибамизда олинган бу маълумотлар 1.2-расмда янада аниқроқ тасвирланган.



Соя навларининг қурғоқчиликка чидамлилик даражасини тасвирловчи яъни уларнинг умумий сув миқдори бўйича тўпланган маълумотлар кўрсатишича барча ўрганилган навлар ўртасида нисбатан қурғоқчиликка чидамли нав бўлиб Барака нави ҳисобланади. Бу навнинг баргларидаги умумий сув миқдори 74.50% эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 martdagi — 2017-2021 yillarda Respublikada soya ekini ekishni va soya doni etishtirishni ko‘paytirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi PQ-2832-sonli qarori.
2. Фролов В. Соя: плюсы и минусы / В. Фролов, Н. Сарбатова, О. Сычёва // Животноводство России. – 2007. – № 11. – С. 54–55;
3. Дон Р. Соя. Дорога в будущее. — М.: Социально-политическая мысль, 2005.
4. Baxriddinovna R. U., Musurmonovich F. S. Soybean-as a source of valuable food //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 6. – С. 165-166.
5. Musurmonovich F. S., Komiljonovna X. S., Quadrat o'g'li S. A. Some Photosynthetic Indicators of Soybean Varieties //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 5. – С. 255-257.
6. Normuminovna Q. D., Musurmonovich F. S. Bioecological Properties of Salvia Officinalis L //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 6. – С. 249-252.
7. Baxriddinovna R. U. Methodology For Solving Problems of Food Chains and Ecological Pyramids and Its Significance //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2024. – Т. 28. – С. 19-22.
8. Fozilov S. The effect of drought on the water regime in the leaves of soybean varieties //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 25-28.
9. Fozilov S. Effect of stress factors on some physiological parameters of soybean plant //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 722-74.
10. Musurmonovich F. S., Baxriddinovna R. U. Oqsil taqchilligini ta'minlashda soya o‘simligining o‘rni //nazariy va amaliy fanlardagi ustuvor

islohotlar va zamonaviy ta'limning innovatsion yo'nalishlari. – 2024. – T. 1. – №.
4. – С. 254-258.